

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**

100095, Toshkent sh., Olmazor tum., 2-Chimboy ko'ch., 96
Telefon: (998-71) 246-01-95, Faks: (998-71) 246-10-81

**MINISTRY OF HIGHER AND
SECONDARY SPECIALIZED
EDUCATION OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100095, Tashkent, Olmazor district, 2-Chimbay street, 96
Phone: (998-71) 246-01-95, Fax: (998-71) 246-10-81

27.08.2018

87-02-2370

**Олий таълим муассасалари
ректорлари ва филиаллар
директорларига**

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда – Давлат комиссияси) мажлисининг 2018 йил 16 августдаги 6-сон баёни қарорига мувофиқ тест синовлари натижаси бўйича етарли балл тўпламаган ва оширилган тўлов-контракт асосида ўқиш истагини билдирган абитуриентлар учун оширилган тўлов-контрактнинг миқдори (баробари) кам бўлган таълим йўналишини танлаш имконияти берилган. Бунда, абитуриент тест топширган фанлар мажмуасининг (фан блокларининг ўрни) мослиги ҳамда унинг доимий яшаш жойи ва ҳужжат топширган олий таълим муассасаси жойлашган ҳудуд мезон сифатида белгиланган.

Давлат комиссияси мажлисининг 2018 йил 23 августдаги 7-сон баёнининг 6-бандида белгиланган вазифа ижроси юзасидан тест синовлари натижаси бўйича етарли балл тўпламаган ва оширилган тўлов-контракт асосида ўқиш истагини билдирган олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентларни тест топширган фанлар мажмуаси (фан блокларининг ўрни) мос ҳамда олий таълим муассасаларининг оширилган тўлов-контракт миқдори (баробари) кам таълим йўналиши имкониятида ўқиш имкониятини берувчи механизмни ишлаб чиқиш ва олий таълим муассасалари билан биргаликда ушбу механизмни амалиётга жорий қилиш вазифаси юклатилган.

Мазкур топшириқ ижроси юзасидан шакллантирилган тест синовлари натижаси бўйича етарли балл тўпламаган ва оширилган тўлов-контракт асосида ўқиш истагини билдирган абитуриентлар учун оширилган тўлов-контрактнинг миқдори (баробари) кам бўлган таълим йўналишида ўқишга кириш механизми схемаси, шунингдек, мазкур тоифа абитуриентлари учун ариза ва маълумотнома намунаси иловага мувофиқ фойдаланиш учун тақдим этилмоқда.

Юқорида қайд этилган Давлат комиссияси баёни қарори ижросини ўрнатилган тартибда таъминлашингиз, шунингдек, ушбу тўғрисида абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига тегишли тушунтириш беришингиз сўралади.


Илова: 3 бет.

**Вазирнинг
биринчи ўринбосари**



О.Абдурахманов

**Тест синовлари натижаси бўйича етарли балл тўпламаган ва оширилган тўлов-контракт асосида ўқиш истагини билдирган абитуриентлар учун
оширилган тўлов-контрактнинг миқдори (баробари) кам бўлган таълим йўналишида ўқишга кириш
СХЕМАСИ**



МАЪЛУМОТНОМА

Абитуриент _____
Ф.И.Ш. (тўлик ёзилиши шарт)

_____нинг
Олий таълим муассасаси номи

_____таълим йўналишида

кириш тест синовлари натижасида _____ балл тўплади.

Абитуриентнинг жавоблар варақаси рақами _____

Ушбу маълумотнома _____га
Олий таълим муассасаси номи

берилди.

ОТМ қабул комиссияси раиси

_____ (олий таълим муассасаси номи)

ректори _____ га
(ректорнинг Ф.И.О.)

_____ дан
(абитуриентнинг Ф.И.О. (тўлиқ ёзилади))

А Р И З А

Мен _____ таълим
(таълим йўналиши коди ва номи)

йўналиши, _____ ўқув тили, _____
(узбек, қорақалпоқ, қozoқ, тожик, туркман, қирғиз) (қундузги)
ўқув шаклига ўқишга кириш учун ўтказиладиган танловда (тест синовида) қатнашиб
_____ балл олдим.

Мен тест топширган фанлар мажмуасига мос бўлган

_____ нинг
_____ таълим

йўналишида оширилган тўлов-контракт шартларини бажарганимдан сўнг ҳужжатларимни
мен танлаган олий таълим муассасасига юборишингизни сўрайман.

Қабул қиладиган олий таълим муассасаси манзили _____

_____ республика, вилоят, шаҳар, туман (тўлиқ кўрсатилади)

Жавоблар варақаси номери _____

Доимий турар жойи _____
(паспорт бўйича доимий турар жойи (республика, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ, овул, кўча,
уй ва хонадон рақами) тўлиқ кўрсатилади)

_____ (абитуриентнинг Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (ариза топширилган сана)